Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 5-SENTYABR, DUSHANBA, 38 (670)-SON

e-mail: **xxi_asr@umail.uz,** web sayt: **www.21asr.uz**

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.**



Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

– Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, – деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. – Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон – Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислоҳотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

– Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, – деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. – Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислом Каримов танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

– Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, – деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. – Ислом Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

– Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, – деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. – Ислом Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШҲТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунгизга шерикмиз.

Нигоҳларида қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислом Каримовнинг суратига қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар – халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

– Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислоҳотлари йиллар оша қадри ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислом Каримов – тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, – деди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

– Президентимизнинг "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, – деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. – Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислом Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

– Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, – деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. – "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз", деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўгитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

ХОТИРА ДАРСЛАРИ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Ислом Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.**

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" бўлиб ўтди.

Улуғ раҳбаримизнинг Ватан равнақи, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажаги йўлида яратилган шароит ва имкониятларни қадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбидаги Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-оналар зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир.

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, бутун жаҳонда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат – 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржимаи ҳоли билан таништирилгач, махсус мониторда намойиш этилган фильмда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мустақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги туб ислоҳотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узоқни кўзлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва осойишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат, аҳил ва тотувликда истиқомат қилаётган мамлакатга айланди.

– Собиқ тузум даврида мутелик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслайди, – дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ёрқиной Маматова. – Миллат дарди – менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислом Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деган туҳматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтган "Хотира дарслари"да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонажон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

– Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан заҳмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ғоят улкан маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, – дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзағаниев. – Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

**Давоми 2-3-саҳифаларда ▸▸**

# ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби – **Пан Ги Мун**

Америка Қўшма Штатлари Президенти – **Барак Обама**

Россия Федерацияси Президенти – **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси – **Дмитрий Медведев**

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири – **Сергей Лавров**

Хитой Халқ Республикаси Раиси – **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири – **Ли Кэцян**

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири – **Ван И**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Парламенти
Мажилиси Раиси – **Нурлан Нигматулин**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти – **Алмазбек Атамбоев**

Афғонистон Ислом
Республикаси Президенти – **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири – **Владимир Макей**

Украина Президенти – **Пётр Порошенко**

Корея Республикаси Президенти – **Пак Кин Хе**

Корея Республикаси Бош вазири – **Хван Гё Ан**

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири – **Юн Бён Се**

Япония Бош вазири – **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазири рафиқаси – **Акиэ Абэ**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири,
парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси – **Таро Асо**

Япония ташқи ишлар вазири – **Фумио Кисида**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдўғон**

Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**

Покистон Ислом Республикаси Президенти – **Мамнун Ҳусайн**

Покистон Ислом Республикаси
Бош вазири – **Муҳаммад Навоз Шариф**

Эрон Ислом Республикаси Президенти – **Ҳасан Руҳоний**

Сингапур Республикаси Президенти – **Тони Тан Кенг Ям**

Германия Федератив Республикаси
Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**

Бельгияликлар Қироли – **Филипп**

Латвия Республикаси Президенти – **Раймондс Вейонис**

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири – **Эдгарс Ринкевичс**

Латвия Республикаси Сейми
Президиуми аъзоси – **Андрей Клементьев**

Словения Республикаси Президенти – **Борут Пахор**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти
КХШТ Бош котиби – **Николай Бордюжа**

БМТ Тараққиёт дастури администратори – **Ҳелен Кларк**

"МАКСАМ" компаниясининг президенти

ва ижрочи директори – **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

Испания Археологлар
уюшмаси бош котиби – **профессор Хесус Хил**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси – **Кэролин Лэмм**

Америка – Ўзбекистон савдо
палатаси президенти – **Стивен Надерни**

"Туркистон – Америка ассоциацияси" раиси – **Абдулла Хўжа**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт

университети ректори – **Виктор Гришин**

Халқаро болалар фондлари

ассоциацияси президенти – **Альберт Лиханов**

Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри),

Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт – **Антонио Алонсо**

*Таъзияномалар келиши давом этмоқда.*

АБАДИЯТ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Машғулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин болалар мусиқа ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сўнгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

– Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узоқни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир карра амин бўлдик, – дейди ушбу коллеж ўқувчиси Моҳичеҳра Абдукаримова. – Халқимизнинг буюк фарзанди Ислом Каримовнинг порлоқ хотираси барча юртдошларимиз сингари биз – ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам "Хотира дарслари" замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтилди.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг изчил равнақ топаётгани бу борадаги пухта сиёсатнинг амалий натижасидир.

– Президентимиз доим биз – ёшларга мурожаат этганларида "Азиз фарзандларим, маррани баланд олинглар. Ўқиб-ўрганиш, касб эгаллаш, изланишдан бир муддат ҳам тўхтаманг", деб кўп бора такрорлаб, шу муқаддас заминни обод этиш, уни ҳимоялаш барчамизнинг бурчимиз эканини уқтирар эди, – дейди ушбу институт талабаси Умид Мажидов. – Юртбошимиз каби Ватанимизга содиқ, фидойи, мард ва жасур, қатъиятли бўлиш бизларнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

"Хотира дарслари" мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юртга фидойилик, ватанпарварлик, одамийлик, ибрат сабоқларига айланган ушбу дарсларда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси барча ўғил-қизларнинг ёдида мангу сақланиб қолиши, улар Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаши, тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиши, юртимиздаги ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаши – бу барча юртдошларимиз каби ёшларнинг ҳам бурчи экани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА**



## БАРҲАЁТ СИЙМО

**Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк дарси Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишланди.**

Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида янги ўқув йилининг бошланганидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ чалинди. Ўқувчилар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирди.

Ушбу таълим масканида 1 минг 900 ўқувчи таҳсил олмоқда. Жорий ўқув йилида 324 бола биринчи синфга қабул қилинди.

"Хотира дарслари"да Президентимизнинг ҳаёт йўли, асарлари, оталарча ғамхўрлиги туфайли ёш авлод тарбиясига қаратилган юксак эътибор самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди. "Келажак бизники, марра бизники!" номли видеоролик намойиш этилди.

Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Айсенем Давлетназарова "Ораста қизлар" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллади. Унинг синфдоши Асадбек Султонов Беларусь давлатида ўтказилган "Золотая пчёлька" халқаро танловида опера йўналиши бўйича ғолиб бўлиб қайтди. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Салиева ва 8-синф ўқувчиси Муҳаббат Давлетбоева бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

– Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда олиб борилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ойсулув Тажимуратова. – Ўтган ўқув йилида ўтказилган фанлар олимпиадаси ва билимлар беллашуви рейтинг натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3-ўринни эгаллаб, мамлакат бўйича кучли йигирматаликка кирдик. Фанлар олимпиадасида 4, билимлар беллашувида 9 ўқувчимиз Қорақалпоғистон ва мамлакат босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратган юксак эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлиги самарасидир.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ХАЛҚ БАХТУ САОДАТИГА БАХШИДА УМР

**Бухоро вилоятидаги 35-умумтаълим мактабида ҳам янги ўқув йили "Хотира дарслари" билан бошланди.**

Мактаб ҳовлиси ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар билан гавжум. Бу ерда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим ўтказилди.

Мустақиллигимиз асосчиси ва раҳнамоси бўлган Ислом Каримов хотираси эсга олиниб, ҳаёт йўли ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ўз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаган Ўзбекистон Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ўтган даврда асрларга татигулик ютуқларга эришди. Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги халқаро тажрибалар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган миллий стратегия бугун жаҳонда катта тажриба сифатида эътироф этилмоқда.

– Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши ва ҳар томонлама баркамол улғайишига қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди ушбу мактаб директори Гулчеҳра Равшанова. – Узлуксиз таълимнинг "9+3" тизими бевосита Президентимизнинг ғоясидир. Унга асосан таълим соҳасидаги эскича қараш ва андозалардан воз кечилди. Илғор педагогик ва замонавий ахборот технологиялари қўлланилиши, моддий-техник базаси мустаҳкамлангани таълим сифати ва самарадорлигини тобора оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Илм масканида 1 минг 830 ўқувчига 120 дан зиёд ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Мазкур мактаб ўқитувчиларининг ўз малакасини ошириши, илғор педагогик технологияларни кенг қўллаши самарасида таълим-тарбия самарадорлиги кўрсаткичи бўйича мамлакатда ўз нуфузига эга. Чет тилларни ўқитиш тажрибасини ўрганиш бўйича вилоятдаги таянч мактаблардан биридир.

Ўқувчилар, ота-оналар Ислом Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Синфларда "Хотира дарслари" бошланди.

Янги ўқув йилида мактабга 330 ўғил-қиз илк бор қадам қўйди. Уларга дарслик ва ўқув қуролларидан иборат Президент совғалари берилгани болакайлар учун унутилмас воқеа бўлиб қолди. Ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаёт йўли, унинг раҳнамолигида мустақилликнинг ўтган йигирма беш йилида эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб берилди, видеоролик намойиш этилди.

Вилоятнинг барча мактабларида янги ўқув йилининг илк куни ҳаётини халқ бахту саодатига бағишлаган улуғ инсонни эъзозлаш, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан фахрланиш, истиқболнинг янада нурафшонлиги, эзгулик, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳақидаги сабоқлар бўлиб ўтди.

**Э. ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**



## ИЛК САБОҚДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЁДГА ОЛИНДИ

**Самарқанд вилоятидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида янги ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасини ёд этишга бағишланган "Хотира дарслари" билан бошланди.**

Самарқанд шаҳридаги 45-умумтаълим мактабининг 1800 дан ортиқ ўқувчисига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, муассаса ўқитувчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти йўли, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган буюк хизматлари ҳақида сўзлаб берди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва миллий давлатчилигимизнинг тикланиши, ўтган йигирма беш йилда барча соҳаларда қўлга киритилган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дунёда ўз муносиб ўрнини топиши Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Айниқса, Юртбошимизнинг ёш авлод камолотига қаратилган юксак эътибори, оталарча ғамхўрлиги туфайли ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу юртимиз ёшларининг бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқиши, жонажон Ватанимиз довруғини дунёга таратишга қодир авлод бўлиб етишишининг муҳим омили бўлди.

Дунёдаги ҳеч бир давлат раҳбари илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган барча болаларга ўз совғасини бермаса керак, – дейди мактаб директори Нигора Дониёрова. – Бизда биринчи синфга қабул қилинган ҳар бир ўғил-қиз Президентимиз туҳфа қилган дафтар-китоблар билан савод чиқаради, илм ўрганишга киришади. Бу йил ҳам 250 ўқувчимиз шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Бугун илк сабоқда уларга давлатимиз раҳбарининг ана шундай эзгу ишлари ҳақида фахр билан сўзламоқчи эдик. Афсуски, энди бу гапларимизни изтироб билан, хотира сифатида айтаяпмиз.

– Президентимиз Ислом Каримов ҳар бир чиқишларида ёшларга мурожаат қилиб, бизни доим юқори марралар сари даъват этар эди, – дейди мактаб ўқувчиси Малика Зиёева. – У кишининг сўзларидан сўнг биз, яна ҳам кучга тўлиб, яхши ўқишга, ишончларини оқлашга ҳаракат қилардик. Бугун хотира дарсида ҳам Юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътибори ҳақида кўп маълумотлар олдик. Биз у киши орзу қилгандек кучли, билимли, бахтли инсонлар бўлиб, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

"Хотира дарслари"да мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

**Сурхондарё вилоятидаги таълим муассасаларида ҳам янги ўқув йили "Биз сизни доимо ёдимизда сақлаймиз" шиори остида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган дарслар билан бошланди.**

Термиз шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида ўтказилган "Хотира дарси"да педагог-мураббийлар, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириб, тинч-осойишта, обод ва фаровон ҳаётимизни таъминлаш йўлидаги эзгу ишларини ёдга олди. Ислом Каримов портрети пойига гуллар қўйилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида Термиз шаҳридаги ушбу таълим маскани тубдан реконструкция қилиниб, навқирон авлоднинг пухта билим олиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ синфхоналар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган. Замонавий болалар спорти иншооти ўқувчи-ёшларнинг жисмонан чиниқиши, ўзлари қизиққан спорт тури билан шуғулланишига хизмат қилмоқда.

– Тизимда яратилган бу каби замонавий шароитлар фарзандларимизнинг соғлом улғайиши ва пухта билим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди умумтаълим мактаби директори Сирожиддин Рўзиқулов. – Ўқувчиларимизни Биринчи Президентимизнинг буюк мақсадларини рўёбга чиқариш, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун бор имкониятимизни сафарбар этамиз.

Мактабда 1 минг 186 ўғил-қиз таълим олади. Улардан 193 нафари таълим муассасасига илк бор қадам қўйди.

"Хотира дарси"да тажрибали ўқитувчилар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга Ислом Каримовнинг ҳаёт йўли ҳақида атрофлича маълумот берди. Слайдлар орқали оғир ва машаққатли йилларда мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида амалга оширган улкан ишлари, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш йўлидаги жасорати, ёшларга кўрсатган беқиёс ғамхўрлиги намойиш этилди.

Интерфаол усулда ўтказилган "Хотира дарси" якунида ўқувчиларга уйда "Мустақил юрт фарзандиман" мавзусида ёзма иш тайёрлаш вазифаси топширилди.

– Бизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб улғайишимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиб берган Президентимиз Ислом Каримовнинг ўчмас хотирасини абадий ёдимизда сақлаймиз, – дейди ушбу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Азиз Раҳматуллаев. – "Хотира дарси"да буюк давлат ва сиёсат арбобининг мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва ёш авлоднинг бахту камоли йўлидаги ишлари билан янада атрофлича танишдик. Ватанга садоқат, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари янада мустаҳкамланди. Ёшларнинг раҳнамоси бўлган Ислом Каримов орзу қилганидек инсонлар бўлиб улғаямиз.

"Хотира дарслари" вилоятнинг барча таълим муассасаларида ўтказилди.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## БУЮК ШАХСЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

**Жиззах вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам янги ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган "Хотира дарси" билан бошланди.**

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби намунали таълим масканларидан. Математика, биология, кимё, физика, инглиз тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаб ўқувчилари турли билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

– "Хотира дарси"да мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда барча соҳаларда оламшумул ютуқ ва марраларни қўлга киритгани тўғрисида кенг маълумот берилди, – дейди мактаб директори Д. Садриддинова. – Тажрибали педагоглар ўтказган машғулотларда ўқувчиларнинг мана шундай замонавий биноларда таълим-тарбия олаётгани Президентимизнинг ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-улғайиши лозим, деган улуғ мақсад йўлида ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнатлари самараси экани ҳақида сўзлаб берилди. Дарс ёшларимизнинг Ватанимиз тарихи, Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги билимини янада бойитиш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ПРЕЗИДЕНТ ИШОНЧИГА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарси" Фарғона вилояти таълим муассасаларида ҳам юксак савияда ўтказилди.**

Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни қарамликдан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда "Ўзбек модели" деб кенг эътироф этилган тараққиёт йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Давоми 3-саҳифада

ЖАРАЁН

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-, 2-саҳифаларда

Халқимиз тарихан қисқа муддат – 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислом Каримов номи билан боғлайди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Биргина Фарғона вилоятида ўтган йилларда 13 мактаб янгидан қурилди, 276 умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди, 600 дан ортиғи капитал ва жорий таъмирланди. Кўплаб замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилди.

Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 1-синфдан бошлаб чет тили ўргатила бошланди. Бунинг учун 2 мингдан зиёд синф хоналари замонавий таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг байрам қилиниши, уларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш ва меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган доимий ғамхўрлик мактабни чин маънода билим ва маънавият масканига айлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган "Хотира дарси"да Президент Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлиги йўлида кўрсатган фидойилиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги буюк хизматлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Буюк давлат арбобининг фаолияти ҳақида видеолавҳа намойиш этилди.

– Халқимизнинг истиқлол йилларида эришган барча ютуқ ва марралари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлиқ, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Умрзоқова. – Бу улуғ инсоннинг мустақил Ўзбекистон тарихида тутган ўрни ҳақида ёшларга кенг тушунча бериш, порлоқ хотираси олдида таъзим бажо келтириш бурчимиздир.

Мамлакатимиз, бутун халқимиз доно Йўлбошчисини йўқотганидан чуқур қайғуда. Айниқса, ёшларимиз давлатимиз раҳбарининг ўзларига кўрсатган оталарча меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини миннатдорлик билан ёдга олмоқда.

– Президентимизнинг ёрқин сиймоси бир умр қалбларимизда яшайди, – дейди 9-синф ўқувчиси Моҳларой Аҳмаджонова. – Юртбошимиз ёшларнинг бахту камоли йўлида керак бўлса жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлганини "Хотира дарси"да янада чуқур англадик. Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Ўқишимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз учун барча шароитлар муҳайё. Биз Президентимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қилишга ваъда берамиз.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

### НОМИНГИЗ АБАДИЙ, ЙЎЛИНГИЗ БАРДАВОМ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Наманган вилоятида ҳам мотам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.**

Эрта тонгдан давлат идоралари, ташкилот ва корхоналар, жамоат ташкилотларининг жамоалари, кекса-ю ёш қўлида гулдаста, қалбида чуқур изтироб, юз-кўзида чексиз қайғу билан вилоят марказидаги Хотира хиёбони томон оқиб кела бошлади.

Хиёбон ўртасидаги шоҳсупага Президентимизнинг катта сурати қўйилган. Йиғилганлар саф тортиб, ҳаммамиз учун азиз ва қадрли бўлган Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйиб, таъзим бажо этган ҳолда меҳр ва садоқатини изҳор қилди.

Йиғилганлар Ислом Каримовнинг давлатимиз мустақиллигининг асосчиси ва раҳнамоси сифатида халқимиз олдидаги буюк хизматлари ҳақида сўзлаб, унинг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан изҳор қилди.

– Ислом Каримов халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси Дилором Зоҳидова. – Зеро, миллий истиқлолимиз шу буюк инсоннинг номи билан боғлиқ. Президентимизнинг номи қалбимизда абадий ва эзгу йўли бардавомдир.

Шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

### ЯНАДА ЯХШИ ЎҚИШГА ВАЪДА БЕРАМИЗ

*деди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 56-умутаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилининг илк машғулоти – "Хотира дарси"да*

"Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ".

Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактабида "Хотира дарси" Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мана шу дил сўзлари билан бошланди.

"Хотира дарси"да иштирок этган Зангиота тумани ҳокими З.Ортиқов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, тарихий ўзгариш ва янгиланишларнинг ташаббускори ҳамда раҳнамоси бўлганини алоҳида таъкидлади. Ватанимиз мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимиз тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий ривожланиш йўлини белгилаб берган буюк давлат арбобининг ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида кўрсатган эътибор ва ғамхўрликлари ҳақида сўз юритилди.

– Президентимиз Ислом Каримов сиймосини, биз, ёшларга кўрсатган ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз, – дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Моҳигул Абдусаломова. – Мактабимизда замон талаблари даражасида таълим олишимиз учун барча шароит яратилган. Ўқув-лаборатория ва чет тили хоналари, спорт зали ва майдончаси зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Биз, бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, янада яхши ўқишга, барча соҳаларда бор имкониятимизни ишга солиб, Ватанимизнинг бундан-да юксак марраларга эришишига ҳисса қўшамиз, деб ваъда берамиз.

Тошкент вилоятидаги 877 умумтаълим мактаби, 122 касб-ҳунар коллежи, 7 академик лицей ва Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарслари" бўлиб ўтди.

**И. АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

МУНОСАБАТ

# Буюк давлат асосчиси

Йигирма беш йил тарих учун ниҳоятда қисқа муддат бўлиши мумкин. Лекин ана шу чорак аср бизнинг ёш мустақил давлатимиз ва халқимиз учун қай даражада азиз ва қадрли эканлигини бу муқаддас заминда яшаётганлар яхши билади.

Яқин ўтмишимизга бир назар солайлик. Кеча ким эдик? Ўтган аср охирида қадр-қиммати, шаъни ва ғурури поймол этилиб, бой тарихи ва муқаддас қадриятлари топталган халқ биз эмасмидик?! Тоталитар тузум зуғумлари остида ғарибона яшаб, устимиздан мустамлака ҳукмронлиги кучайтирилгани аччиқ ҳақиқат эди. Иқтисодиётимиз батамом хомашё етиштиришга йўналтирилиб, миллий қадриятларимиз, халқона урф-одат ва анъаналаримиз, бой маънавий, илмий-маданий меросимиз йўқолиб кетиш арафасида эди. Айниқса, 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий вазият шу қадар оғир эдики, қисқа давр ичида унинг изга тушиб кетиши ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғмасди. Маънавий қарамлик остида тақдиримиз тубсиз жар ёқасига келиб қолганди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мардона тутган йўли туфайли мустақилликка эришганимиздан сўнг дастлабки йилларданоқ мамлакатимиз ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, очиқ сиёсат олиб бориш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйди. Узоқни кўра оладиган давлатимиз раҳбари кейинчалик бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган стратегия асосида давлат ва жамият қурилишининг беш тамойилини илгари сурди. Биз бугун ўша даврларда бошланган ва ҳозирги кунга қадар босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг оламшумул самараларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунда энг аввало, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг бахт-саодати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил кундалик турмушимизда устувор аҳамият касб этгани юксак тараққиётимиз бош омили бўлди десак, муболаға бўлмайди. Зотан, Конституциямизда ҳам инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Қолаверса, изчил ўйланган иқтисодий ислоҳотлар баробарида маънавиятни юксалтиришга алоҳида эътибор берилгани яна бир муҳим ютуғимиз бўлди. Алалоқибат, аксарият ғарб давлатлари чуқур маънавий инқирозни бошдан кечираётган ҳозирги глобаллашув асрида бизнинг бу борадаги муваффақиятларимиз хорижий элларнинг чин маънода ҳавасини келтираётгани барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этиши табиий.

Бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг учун давлат ва халқ бирлигига эришиш, тинчликпарвар сиёсат юритиш, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳамиша аҳолининг турмуш шароитини яхшилашни ўйлаш, жамиятда ҳамманинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиромни кучайтириш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини яратиш, маънавият ва маърифат ривожига алоҳида эътибор қаратиш, огоҳ бўлиш, бунинг учун эса аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва кўпдан кўп соҳаларда самарали фаолият олиб бориш зарур эди.

Бундай шарафли ва ғоят масъулиятли вазифани давлатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов сабот ва матонат билан уддалади. Бизни ёруғ келажак сари етаклай олди ва мақсадига эришди. Халқимиз Ватан равнақи йўлида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонини асло унутмайди.

Ишончимиз комилки, халқимиз раҳнамоси Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, йўлида амалга оширган ишлари, барча соҳаларни қамраган изчил ислоҳотлари қадри ошиб бораверади. Бу буюк инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов – тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида қалбларимизда мангу яшайди.

**Соҳибжон ИСМОИЛОВ,**
**Клара ЖУМАМУРАТОВА,**
**Қутлимурат БАБАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари**

# Халқимиз юрагида яшайди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида мотам маросими бўлиб ўтди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси ва Сиёсий Кенгаш аъзолари, партия фаоллари, ёшлар иштирок этиб, давлатимиз биринчи раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдаги беқиёс хизматлари хусусида тўхталдилар.

– Истиқлол даврида, айтиш мумкинки, асрларга татигулик 25 йил ичида амалга оширилган оламшумул ютуқлар ва натижаларни таҳлил этар эканмиз, мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг шарафли номи ва ватанпарварликка йўғрилган юксак фаолияти бугунги тинч ва осойишта кунларимиз асосчиси сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди, – деди **O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, парламент қуйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиев.** – Қисқагина давр ичида мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олди. Улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилиши, мустабид тузум даврида топталган тарихимизнинг қайта тикланиши, юрт эрки ва келажаги йўлида жасорат кўрсатган ота-боболаримиз номининг абадийлаштирилиши, халқимизнинг ўзлигини англаши ҳам бевосита Президентимиз номи билан чамбарчас боғлиқ.

– Бу оғир жудолик Ўзбекистон халқини, айниқса, ўз Юртбошисига суянган, ишонган ёшларнинг қалбини ларзага келтирди, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Адҳам Шодмонов.** – Бу, сўз билан изоҳлаб бўлмайдиган, юракларни ўртайдиган маҳзун манзарани мустақил давлатимиз асосчисини сўнгги манзилга кузатиш маросимига чиққан йигит-қизларимизнинг чексиз қайғу ва мусибатга тўла аламли кўз ёшларидан англаш мумкин эди.

Маросимда сўзга чиққанлар Биринчи Президентимиз номи Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажагини ҳамда ўлмас хотираси халқимиз қалбидан абадий ўрин олишини алоҳида таъкидлашди.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
"XXI asr" мухбири

**Қадимда узоқ манзиллар сари сафар қилган карвонлар йўли Жиззах воҳасида бир маротаба бўлса-да, кесишар экан. Шунданми, бу воҳанинг меҳнаткаш деҳқонлари етиштирган ва шу заминнинг такрорланмас иқлими, офтоб тафти, зилол сувининг таъмини ўзида мужассам этган мева-чева, полиз маҳсулотлари етти иқлимга довруғ таратган.**



ЎзА сурати

*ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:*

# Қадим карвон йўллари

## бугун мевазор боғларга бурканди

Яратилган шароит, эътибор туфайли тоғу даштларда боғдорчилик, узумчилик, суғориладиган жойларда сабзавот ва полиз экинлари, лалми майдонларда эса полиз, дуккакли экинлардан юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Бу омиллар мамлакатимиз ички бозорини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда экспорт имкониятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Республикамиз Биринчи Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мева-сабзавот маҳсулотларининг янги ва серҳосил навини яратиш, илғор технологияларни жорий этиш, экспорт ҳажмини оширишда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Чунончи, Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Янгиобод ва Жиззах туманларида серҳосил ҳамда халқаро меъёрларга мос пакана ва ярим пакана мевали дарахтлар экилмоқда. Ўтган йили вилоятда интенсив агротехникага асосланган 1 минг 249 гектар боғ ва 1 минг 844 гектар токзор яратилган. Боғларда томчилатиб суғориш, меваларни ташқи таъсирдан ҳимоялаш ҳамда замонавий агротехник усуллар қўлланилди.

Жорий йилда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган умумий қиймати 47 миллиард 600 миллион сўмлик 3 минг 158 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳанинг 112 таси боғдорчилик, 410 таси узумчиликка доир. Бундан ташқари, янги боғлар барпо этишга қаратилган 153 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. 16 миллиард 526 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган ушбу лойиҳалар ҳисобига интенсив боғлар майдони 826 гектарга кенгаяди. Токзорларни юзага келтириш учун 25 миллиард 320 миллион сўм маблағ ажратилади ва бундай майдонлар 1 минг 831 гектарга кенгаяди.

Шунингдек, бу йил ҳосилдорлиги 12-15 центнердан ошмайдиган 4 минг 100 гектар пахта майдонини қисқатириш ҳисобига 2 минг 400 гектар ерга сабзавот, 400 гектар майдонга картошка, 500 гектар ерда озуқа ва бошқа экинларни етиштириш йўлга қўйилди. Айни вақтда вилоятда сиғими 14 минг 420 тонна бўлган 31 та музлатгич ишлаб турибди. Шунингдек, йиллик қуввати 40 минг 270 тонна бўлган 23 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ва микрофирмалар мавжуд.

Мамлакатимиз Биринчи раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида республикамиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари корхоналарини йил давомида хомашё билан таъминлаш, ички бозорга мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш, турини ошириш тадбирлари белгиланди. Айтиш жоизки, қарорда белгиланган вазифалар O`zLiDeP Сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, электоратимиз бўлган тадбиркор ва фермерлар учун янги имконият эшикларини очиши шубҳасиз. Шу сабаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, вилоятдаги партия депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари жойларда назорат-таҳлил ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришга доир маслаҳатлар берилмоқда.

Айниқса, яқинда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган халқаро мева-сабзавот ярмаркаси мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотларни чет элга чиқариш, янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулот етиштирувчилар ва хорижлик ҳамкорлар ўртасида узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳсулот етказиб берувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида замонавий бозор механизмини юзага келтириш учун янги имкониятлар яратди. Бу эса соҳа эгаларининг келажакда бундан-да ғайрат-шижоат билан ишлаши, сифатли ва мўл ҳосил олишига туртки бўлгани билан янада аҳамиятлидир.

**Акбар ЯКУБОВ,**
**O`zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири**



**Борий АЛИХОНОВ,**

Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:

– Гётенинг ажойиб ташбеҳи бор: “Табиат бу ҳар бир саҳифаси буюк мазмунга эга ягона асардир”. Шундай бўлгач, унинг бирор саҳифасига путур етса, бутун бир асар азият чекади. Мен айрим олимларнинг “оламни сув босармиш”, “охирзамон яқин” қабилидаги башоратларига унчалик қўшилмайман. Тўғри, дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида тошқинлар, ўрмон ёнғини, даҳшатли зилзилалар рўй беряпти, бундан кўз юмолмаймиз. Аслида буларни табиатга нисбатан тажовузларга жавоб, деб тушунмоқ керак. Шунинг учун турфа ваҳималарга эмас, аниқ мисолларга таянайлик.

Сайёрамизда биота, яъни тирик организмлар пайдо бўлганига икки миллиард йил бўлибди. Инсоният пайдо бўлгандан буён мана шу биотанинг қарийб 70 фоизини йўқ қилиб юборди ёки ҳалокат ёқасига олиб келди. Ер юзида инсон томонидан ҳосил қилинган чиқинди миқдори эса табиий пайдо бўладиган чиқиндилардан қарийб 2 минг баробар кўп.

БМТ маълумотларига кўра, сўнгги 50 йилда сайёрамиз аҳолиси деярли уч баробар ошган, шундан ҳар олтинчи киши экологик номақбул ҳудудда яшайди. Ҳар ўнинчи катта дарё бир неча ой ичида денгизга етиб бормайди. Масалан, Колорадо дарёси энди денгизга қуйилмаяпти. 1 миллиард аҳоли санитария меъёрларига тўғри келмайдиган ичимлик сувидан фойдаланади. Ҳар куни дунёда беш минг киши ифлосланган сувни ичиш туфайли оламдан кўз юммоқда. 2025 йилга бориб сув танқислигидан 2 млрд. аҳоли азият чекиш эҳтимоли бор. Бугун ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи яроқсиз ҳолга келган. Йилига Ер юзидан 13 миллион гектар майдондаги ўрмонзор йўқолиб кетади. 2050 йилга келиб, ҳайвонот турларининг 25 фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолиши мумкин: ҳар тўрттадан битта сут эмизувчи, ҳар саккизтадан битта қуш, ҳар учтадан битта қуруқлик ва сувда яшовчи ҳайвон турлари. Биологик турлар табиий суръатлардан юз маротаба тезроқ тугаб битиш хавфи бор. Шу чоққача бир нечта цивилизация табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида йўқолиб кетган.

Чучук сув муаммоси бугун сайёрамизда глобал муаммога айланмоқда. Афсуски, ушбу муаммо Марказий Осиёни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бунга, биринчи навбатда, собиқ иттифоқ пайтида экологик омиллар ҳисобга олинмасдан пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш, янги ерлар ўзлаштириш, минтақамизнинг асосий қон томирлари бўлган Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида баҳайбат гидроиншоотлар қурилгани сабаб бўлмоқда. Улар аввал минтақанинг сувга бўлган эҳтиёжи-

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

ни барқарорлаштириш ва мувофиқлаштириш учун бунёд этилган бўлса, эндиликда Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимидаги мустақил давлатлар улардан биринчи навбатда ўзларининг энергияга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун фойдаланишни кўзда тутишяпти. Янги йирик тўғонларни ана шундай мақсадларда қуришга уринишлар сув масаласидаги муаммоларни янада кучайтиряпти. Ҳолбуки, “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида” ги (Хельсинки, 1992 йил), “Кема қатнамайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш тўғрисида”-ги Конвенцияларга (Нью-Йорк, 1997 йил) асосан трансчегаравий дарёлар оқимида жойлашган бошқа давлатлар розилигисиз ушбу сув оқимлари режимини ўзбошимчалик билан бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, минтақамизда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш масаласидаги муаммолар фақат халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосан ҳал этилиши керак. Бу масалада жиззакилик, қулоқнинг боши меникими, унга мен эгаман, қабилида иш кўриш кетмайди. Сув – Аллоҳ яратган буюк неъмат. Бу неъматдан қулоқнинг бошидаги ҳам, оқимнинг охиридаги ҳам бирдек наф кўриши керак. Оқимни ўзгартиришга уриниш, оқимга қарши бориш эса ҳеч қачон яхшилик келтирмаган, келтирмайди ҳам.

Табиат ўз қонунлари асосида тараққий этгани каби, инсоният ҳам ўз манфаатларини, ўз эҳтиёжларини қондириш учун тараққиёт йўлидан боришга, изланишга мажбур. Чунки табиат яратаётган неъматлар асл ҳолича олиб қараганда бугун инсониятнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжини қондиришга камлик қилаётир. Шундай экан, иқтисодий тежамкор электр чироқлари, экологик тоза ёнилғи ва энергиядан фойдаланишга ўтишда ҳикмат кўп, деб ўйлайман. Чунки бундан 20-25 йил олдин компьютер, уяли телефоннинг пайдо бўлишини одамлар мўъжизадек қабул қилишган бўлса, бугун улар оддий хизмат воситасига айланиб қолди.

Ҳар биримиз ўзимизга “Табиат менга нима берди” эмас, балки “Табиатни муҳофаза қилиш учун мен нималар қилдим”, деган саволни беришимиз лозим. Аслида “олиш” билан “бериш” ўртасида жуда катта фарқ бор. Табиатдан олиб, унга бир нарса бериш ҳам худди шундай. Ахир, айтишади-ку, “Қўл билан берсанг, оёқ билан оласан”, деб. Табиат ўз инъом-эҳсонини инсонларга икки қўл билан бериб турса-ю, лекин биз унинг бу саховатига жавобан бойликларини, келажак авлодга мерос бўлиши керак бўлган турфа неъматларини оёқ ости қилсак, шу тўғрими? Шундай экан, ота-боболаримиздан мерос азалий қадриятларимизни, табиатга, унинг неъматларига, тўрт муқаддас унсур – сув, тупроқ, олов, ҳавога бўлган эҳтиромимизни қайта тиклашимиз керак.

Бинобарин, экология фанига оид тадқиқотлар кўп йўналишлар бўйича олиб борилаётган бўлса-да, бироқ халқимизнинг экологик маданияти, миллий экологик анъаналар ҳанузгача чуқур ўрганилмай келинмоқда. Шу боис, миллий маънавиятимизнинг салоҳиятини акс эттирувчи, табиатни ва унинг саховатини қадрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқимиздаги миллий маданият, билимлар, анъаналар, тажрибаларни бир тизимга келтириб, таҳлил қилиб, юртимиз олдида турган долзарб экологик муаммоларни ҳал этиш йўлида фойдаланиш беқиёс аҳамият касб этади.

Бекорга ёниб турган чироқ, беҳудага ёнаётган газ ҳам худди ана шу эзгу қадриятларимизни оёқ ости қилаётганимиз туфайли. Қачонки, бизнинг ўзимизда экологик савия юқори бўлмаса, экологик таълимнинг фойдаси кам бўлади. Демак, энг аввало, ўзимиз бошқаларга ибрат, намуна бўлишимиз керак.

**Фозил УЛУҒБЕРДИЕВ**
**ёзиб олган**

БИЛАМИЗМИ?

# Қабзиятдан азият чекманг!

**Қадимдан бу касалликка қарши чора усуллари излаб келинган. Унинг ноқулай белгиларининг олдини олиш учун, аввало, бу дарднинг келиб чиқиш сабабини топиш зарур. Булар: нотўғри овқатланиш, танада суюқлик етишмаслиги, камҳаракат ҳаёт тарзи, руҳий тушкунлик, асабийлик ва айрим дори воситаларининг ножўя таъсири бўлиши мумкин. Қуйида қабзиятдан халос бўлишнинг энг зарур чораларини келтирамиз:**



1. Овқатланиш тарзини ўзгартириш – энг асосий ва узоқ муддатли самара берувчи усулдир. Бунинг учун ушбу маҳсулотларни таом рационингиздан чиқариб ташланг:

ичимликлар – қора қаҳва, аччиқ чой, кисель, какао, алкоголь, сут;

зираворлар – хантал, майонез, гармдори, аччиқ ва ёғли соуслар;

мева-сабзавотлар – саримсоқпиёз, пиёз, турп, шолғом, редиска, анор, беҳи;

ёғлар – маргарин, мол ёғи, барча қандолат маҳсулотлари таркибидаги палма ва кокос ёғлари;

оқсиллар – қайнатилган тухум, ёғли гўшт ва балиқ, дудланган маҳсулотлар, консервалар;

нон ва дон маҳсулотлари – гуруч, буғдой ёрмаси(манка), ошган хамирдан пишириқлар, аъло навли ундан тайёрланган маҳсулотлар.

2. Қабзиятда клетчаткага бой маҳсулотлар самара беради. Сабаби улар ичаклар фаолиятини табиий йўл билан яхшилайди. Ич қотишида ушбу маҳсулотлар тавсия этилади:

ичимликлардан – янги тайёрланган шарбатлар, кўк чой, қичитқи ўт, момақаймоқ, наъматак, мойчечак, мингяпроқ дамламалари;

сут маҳсулотларидан – қаймоқ, пишлоқ, янги қатиқ;

мева ва сабзавотлардан – хом ва пишган карам, лавлаги, кўкатлар, киви, ўрик, қовун, олхўри;

ёғлардан – зайтун ва писта ёғи;

оқсиллар – денгиз маҳсулотлари, ёғсиз гўшт ва парранда гўшти;

нон маҳсулотлари – жавдар унидан тайёрланган нон;

3. Кўпроқ суюқлик ичиш лозим (сув, шакари камроқ шарбатлар, ўтли дамламалар). Юқоридаги ичимликларни кунига 2-2,5 литр ичиш керак.

4. Қабзиятга қарши энг оддий даво туршак ва унинг дамламасидир. Бу ичимликни кечқурун ухлашдан олдин ва эрталаб оч қоринга истеъмол қилган маъқул.

5. Доимий равишда жисмоний машқларни бажариш ҳам яхши натижа беради. Қабзиятда спортнинг югуриш ва сузиш турлари шифокорлар томонидан тавсия этилади.

6. Қанчалик ғайриоддий туюлмасин, асабийлашиш ва стресс ҳолатлари ҳам ич қотишига сабаб бўлиши мумкин.

7. Қабзиятнинг энг самарали чораси – эрталаб оч қоринга 1 ош қошиқ канакунжут (кастор) ёғини ярим пиёла илиқ сувга аралаштириб ичинг. Бундан ташқари, кунгабоқар ва зайтун ёғлари ҳам яхши натижа беради.

Қабзиятдан тезда халос бўлиш учун халқ табобати билан бирга овқатланиш тарзига ҳам эътибор бериш зарур. Ҳар қандай кескин даво чораларини кўришдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.

**Умида ХУДОЙНАЗАРОВА**
**тайёрлади.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Сифат – энг асосий мезон

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг ички ва ташқи бозорда харидоргирлигини таъминлаш, ички бозоримизни эса сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашда марказимизнинг ҳам ўз ўрни бор. Бугунги кунда корхонамизда 3 та аккредитланган синов лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Уларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ҳамда хориждан келтирилган озиқ-овқат, енгил саноат, пойабзал, электр жиҳозлари, қурилиш материаллари, шиша ва чинни идишлар сифати аниқланади. Бу жараённинг юксак талаблар даражасида бўлиши эса асосан мутахассисларнинг касбий малакаси, билим ва тажрибасига боғлиқ. Бинобарин, шуни таъкидлашни истардимки, ташкилотимиздаги 30 нафардан зиёд ходимнинг қарийб барчаси олий маълумотга эга. Мутахассисларнинг 11 таси эксперт-аудитор. Улар замонавий техника ва ускуналарни ўзлаштириш мақсадида ҳар йили малакаларини оширишади. Бундан ташқари, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган режа-дастурга кўра синов лабораторияларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаяпти. Натижада лабораторияларимизда ишлатилаётган ҳар томонлама қулай, замонавий ускуналар ёрдамида маҳсулотларни текшириш ишлари белгиланган муддатларда, бекаму кўст амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари ҳам мукаммал жорий этилган бўлиб, мутахассисларимизнинг барчаси компьютерлар билан таъминланган ва улар ўзаро локал тармоқ орқали бир-бири билан боғланган. Ўтган йилларда марказимизда донни синаш, синов намуналарини сақлаш, метрологик ўлчовлар ва ўлчов воситаларини қабул қилиш хоналари, сертификатлаштириш идорасида ҳужжатларни қабул қилиш бюроси тўлиқ ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди. 2015 йилда эса метрология бўлимига ва синов мажмуасига агентликнинг махсус жамғармаси ҳамда марказимиз маблағи ҳисобидан 2 дона намунавий ўлчаш воситалари (Fiuke 5502E типидаги кўп функцияли калибратор ва Fluke 8508A типидаги кўп функцияли эталон мультиметр), юқори босимли газ баллонлар синовини ўтказиш ускунаси, электрон тарози, аквадистиллятор ДЭ-4-02 “ЭМО” синов мажмуаси, махсус жамғарма ҳисобидан “Намлик даражасини таҳлил этиш қурилмаси МВ 45” (“Анализатор влажности МВ 45”) ускуналари харид қилинди. Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигини намоён этувчи ишлардир.

Маълумки, сифат бўлмаса, салмоқнинг қадри йўқ. Шу боис марказимиз мутахассислари тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги маҳсулотлар сифатини таъминлаяптилар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхонамиз томонидан 972 та мувофиқлик сертификати берилди. МДҲ давлатларининг мувофиқлик сертификатларини тан олиш йўли билан 265 та сертификат тан олинди. Муҳими, ана шу маҳсулотларнинг аксарияти юқори сифат кўрсаткичига эга бўлди. Бунда корхоналарда сифат тизимларининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этаяпти. Бугунги кунда вилоятдаги 200 та корхонада мазкур тизим жорий этилди. Марказимизда 2014 йилдан буён маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда импорт маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича барча мурожаатлар электрон шаклда қабул қилинмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, аввало, мурожаатчининг вақти тежалади, қолаверса, тадбиркор ёки истеъмолчи ўзини қизиқтирган саволга бир зумда жавоб олади.

Жорий йил мобайнида электрон шаклда жами 29 та мурожаат қабул қилинди. Бундан ташқари, мутахассисларимиз Савдо-саноат палатасининг вилоят бўлинмаси, Фермерлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда ишбилармонлар учун семинар-кенгашлар, мулоқотлар ташкил этишаяптики, бу албатта, нафақат хусусий сектор вакиллари, балки истеъмолчилар учун ҳам айни муддаодир. Йил бошидан буён Олтиариқ, Ёзёвон, Қува, Қувасой туманлари, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида ўтказган учрашувларимизда тадбиркорларни қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Мухтасар айтганда, тадбиркорлик субъектларига тегишли кўмак бериш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг импорт қилинишида сифатнинг доимо бирламчи бўлишига эришиш, фуқароларнинг саломатлиги ҳимояси ва уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади.

**Улуғбек АББАСОВ,**
**“Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори**

*Хизматлар лицензияланган*

ФАХР

# Фарзандлари бахтли эл

Юрт тинч, кўнгил хотиржам бўлса, фарзандингнинг эртаси ҳақида ўйлайсан. Билим олиши, кўпдан кам бўлмаслиги учун меҳнат қиласан. Қалбингда эртанги кунга ишонч ва умид уйғонади.

Бугун озод ва обод юртимизда яшаётган ҳар бир ота-онанинг юрагидан ана шундай ўй-хаёллар кечиши табиий. Халқимиз онг-шуурида шаклланган бундай тафаккур давлатимиз сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, болаларга ҳали туғилмасданоқ ғамхўрлик қилинишининг бош омили ҳам аслида шу.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида соғлом фарзандларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани бежиз эмас. Жумладан, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари ва мусиқа мактаблари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган спорт иншоотлари йигит-қизларни соғлом ҳаётга ундамоқда. Ана шундай гўзал иншоотларда юзлаб жаҳон ва олимпиада чемпионлари катта спортга илк қадамларини ташлаётир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда спортнинг умуммилиий ҳаракатга айланишида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти муҳим омил бўлаётир. Жамғарма томонидан 2003–2015 йиллар мобайнида жами 2205 та иншоот қуриб фойдаланишга топширилди. Улардан 1922 таси спорт иншооти, 283 та болалар мусиқа ва санъат мактаби эканлиги кишини фахрга тўлдиради. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2,6 миллиондан ортиқ бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланаётгани ва уларнинг 1 миллиондан ортиғини қизлар ташкил этаётгани фикримизга яққол далилдир.

Навқирон авлод вакилларини баркамол қилиб вояга етказишда уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси бутун дунёда эътироф этилмоқда. Ёшларимизнинг математика, физика, кимё, биология фан олимпиадалари ва интеллектуал беллашувлардан медаллар билан қайтаётгани ёшларга оид давлат сиёсатининг нақадар тўғри эканини исботламоқда.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик фарзандлари ҳам жисмоний, ҳам илмий-интеллектуал жиҳатдан дунёдаги тенгқурларига ўрнак бўлаётир. Шу боис, бутун дунё “Ўзбекистон – бахтли болалар мамлакати” дея эътироф этмоқда. Чиндан ҳам шундай. Боласи бахтли бўлган элнинг эса иқболи порлоқ.

**Авезжон БЕКМУРАТОВА,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчиси**

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ, Қувондиқ САНАҚУЛОВ, Дилшод ШОУМАРОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Абдумажид КАРИМОВ, Расул КУШЕРБАЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Виктор ПАК, Иқбол МИРЗО, Бегмат ОЧИЛОВ

*Таҳририят манзили:*
*Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.*

**электрон почта:**
**xxi_asr@umail.uz**

*Телефонлар:*
*қабулхона – 215-63-80 (тел./факс).*
*Котибият – 281-40-17*
*Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50*

**“XXI asr”** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда **10-3648 А** рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

*“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.*

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 2 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 966** Тираж: **8290**
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – **01:30**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©“XXI asr”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**1 2 3 4 5 6**

**Навбатчилар:**
**Б. ИСРОИЛОВ, Ҳ. САЛОМОВ**